



ХАЛҚҚА ХИЗМАТ ҚИЛИШ, ОДАМЛАРНИНГ МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ — РАЎБАРЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНИДИР

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 12 апрель куни пойтахтимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, ижтимоий-иқтисодий лойиҳалар ижроси, ижтимоий объектлар фаолияти билан танишди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудлари каби пойтахтимизда ҳам саноатни жадал ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида эркин иқтисодий зоналар, технопарклар ва кичик саноат зоналари самарадорлигини ошириш, янгиларини ташкил этиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш бўйича улкан мақсад ва вазифалар белгиланган. Президентимиз раҳнамолигида бу борадаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Шавкат Мирзиёев 3 февраль ва 25 март кунлари Тошкент шаҳридаги саноат объектларида ташиф буюриб, улардан самарали фойдаланиш, корхона ва тадбиркорларнинг самарали фаолият юритиши учун зарур шарт-шароит яратиш бўйича кўрсатмалар берди. Бугунги кунда ушбу объектларда янги ишлаб чиқариш қувватлари ташкил этилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ана шундай саноат ҳудудларидан бири — Чилонзор туманидаги «Реле ва автоматика» акциядорлик жамиятига ташиф буюрди. Заводнинг умумий ер майдони 3,91 гектар, ишлаб чиқариш майдони 2,26 гектар. Бу ерда юзга яқин турдаги металл ва пластмасса буюмлар, паст кучлинишчи қурилмалар тайёрланмоқда, шу йўналишда хизматлар кўрсатилмоқда. Худудда ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш учун яхши имконият, зарур инфратузилма мавжуд. Акциядорлик жамияти худудида кичик саноат зонаси ташкил этилиб, 2017-2018 йилларда 10 инвестиция лойиҳаси амалга оширилиши режалаштирилган. Уларга мувофиқ бу ерда тўқимачилик ва қадоклаш маҳсулотлари, касса ва терминал учун қорғозлар, гидравлика мойлари, пластик труба ва фитинглар, мебель, акрил ва канцелярия товарлари ишлаб чиқариш мўлжалланган.

Масалан, «Сирдарё-қурилиш-монтаж» масъулияти чекланган жамияти томонидан бу ерда йилига 23-24 миллион дона қадоклаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Полипропилендан тайёрланадиган, кимё, озиқ-овқат, тўқимачилик ва қурилиш саноатида қўлланладиган бу маҳсулотларнинг 70 фоизи ички, 30 фоизи ташқи бозорга етказиб берилди. Корхонада 55 иш ўрни яратилди.

«Милк импэкс» масъулияти чекланган жамияти бу ерда мева-сабзавотларни қайта ишлаш, қуриштиш ва қадоклаш корхонаси ташкил этишни режалаштирмоқда. Корхонада йилига 500 тонна мева-сабзавот қайта ишланади, 30 иш ўрни яратилди.

Давлатимиз раҳбари ушбу худудда экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхоналар ташкил этиш зарурлигини таъкидлади.

Шавкат Мирзиёев Чилонзор туманидаги «Roison Home White Goods» Ўзбекистон — Буюк Британия қўшма корхонасига ташиф буюрди.

Президентимизнинг 2016 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони соҳада янги босқични, янги имкониятлар эшигини очмоқда.

Собиқ «Алгоритм» заводи худудида фаолият юритаётган бизнес субъектлари бунга мисол. Ҳозир бу ерда 50 дан ортиқ тадбиркорлик субъекти майший техникалар, тўқимачилик ва кимё саноати маҳсулотлари, мебель, қорғоз буюмлар, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, металлни қайта ишлаш билан шуғулланмоқда. Ушбу корхоналарда мингдан зиёд ишчи меҳнат қилмоқда.

«Roison Home White Goods» қўшма корхонасининг умумий ер майдони қарийб 23 гектар, бино ва иншоотлар майдони 9,7 гектар.

Шу ернинг ўзига Чилонзор туманида амалга ошириладиган 20 дан ортиқ иқтисодий лойиҳалар тақдироти ўтказилди. «1-Заргарлик корхонаси» лойиҳаси улардан бири. Қиймати 10 миллиард сўм бўлган ушбу корхонада йилига 13 миллиард сўмлик заргарлик буюмлари ишлаб чиқарилади, 100 иш ўрни яратилди.

Сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳасининг умумий қиймати 9 миллиард сўм. Бу ерда замонавий технология асосида йилига 1 минг 150 тоннадан сут ва кефир, 400 тонна йогурт, 100 тоннадан сметана ва пишлок, 80 тонна творог ва бошқа маҳсулотлар тайёрланади. Юздан ортиқ киши иш билан таъминланади.

Чилонзор туманидаги эски 2-поябзал фабрикаси худудида аёллар, эркаклар ва болалар оёқ кийимларини ишлаб чиқариш режалаштирилган. Қиймати 3 миллиард сўм бўлган ушбу лойиҳа йилига 10 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради. Маҳсулотларни экспортга чиқариш ҳам мўлжалланмоқда.

Бу ерда қандолат маҳсулотлари, қадоклаш ва қурилиш материаллари, автомобиллар учун техник мой ишлаб чиқариш, «Совпластитал» акциядорлик жамияти худудида кичик саноат зонаси ташкил этиш, юрак касалликларини даволаш маркази, медиа-маркет ва савдо мажмуаси қуриш лойиҳалари ҳам намойиш этилди.

Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда яратилаётган қулай ишбилармонлик муҳитидан самарали фойдаланиб, маҳсулотлар сифатини ошириш, корхоналарнинг хорижий ҳамкорлар топишига қўмаклашиш ва экспорт фаолиятини янада ривожлантириш зарурлигини таъкидлади. Мутасадди раҳбарларга тадбиркорлик фаолиятини кенг қўллаб-қувватлаш, инвестиция жалб қилиш ва кредитлар ажратиш, экспортни рағбатлантириш каби долзарб йўналишлар бўйича тегишли топшириқлар берди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев «Катта Хирмонтепа» ва «Яккатут» маҳалла фуқаролар йиғинларида бўлди.

Маҳалла фуқаролар йиғинлари ўзини ўзи бошқаришнинг чинакам халқона институти сифатида жамиятимиздан мустаҳкам ўрин эгаллаган. Бу халқ билан мулоқот қилиш ва инсон манфаатларини таъминлашга қаратилган эзгу вазифаларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этаётди.

Катта Хирмонтепа маҳалласида асосан кўп қаватли уйлар жойлашган. Давлатимиз раҳбари маҳалла худуди билан танишди. Кўп қаватли уйлар, мактабгача таълим муассасалари, мактаблар атрофини ободонлаштириш, йўлакларни таъмирлаш бўйича мутасаддиларга кўрсатмалар берди.

Мактаб — таълим-тарбия маскани. Бу жойдаги ободонлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратиш зарур, деди Президентимиз. Таълим муассасалари олдида доимо гул экилган, саранжом-саришта бўлиши керак.

Шавкат Мирзиёев шу ерда яшовчи аҳоли хонадонларида бўлиб, улар билан суҳбатлашди.

Яккатут маҳалласида иккита мактабгача таълим муассасаси, иккита мактаб, иккита коллеж фаолият юритмоқда.

Президентимиз мазкур маҳалла ҳаёти билан танишди, халқ билан мулоқот қилди.

Шу ерда давлатимиз раҳбарига Тошкент шаҳрида қурилиш режалаштирилган намунавий маҳалла марказлари лойиҳалари ҳақида ахборот берилди.

Жорий йилнинг март ойида Президентимиз Юнусобод тумани Увайсий номидаги маҳаллада бўлиб, фуқаролар йиғини ходимлари, профилактика инспектори ва аҳоли учун яратилган қулай шароитлар билан танишар экан, пойтахтимиз, қолаверса, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида мана шундай маҳалла марказларини бунёд этиш ҳақида кўрсатмалар берди.

Маҳаллалар ўз зиммасидаги вазифаларни самарали бажариши учун ҳуқуқий асослар билан бирга, етарли шарт-шароитларга ҳам эга бўлмоғи лозим, деди Президентимиз.

Таклиф этилаётган янги маҳалла марказлари лойиҳасида маҳалла раиси, котиб ва маслаҳатчилар, профилактика инспектори учун алоҳида хоналар бўлиши кўзда тутилган. Бу халқимизга хос ҳамжихатлик, меҳроқибат фазилатларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Профилактика инспектори ўзи ишлайдиган маҳалла худудида яшаши лозим. Бу профилактика инспектори маҳалладаги ҳар бир хонадон билан яқин мулоқот ўрнатиши, кўчалар ва жамоат жойларини қатъий назоратга олишида муҳим аҳамиятга эга.

Профилактика инспекторларини хизмат уйлари, имтиёзли кредитлар ҳисобига машиналар билан таъминлаш, уларнинг яшаши ва самарали ишлаши учун барча шароитларни яратиш бўйича зарур топшириқлар берилди.

Маҳалла марказларида қўйхона, новвойхона, «Гўзаллик саломи», дўконлар, спорт ва болалар майдончалари бўлиши одамларнинг зарур эhtiёжларини қондириш билан бирга, худуддаги маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашга ҳам хизмат қилади.

Маҳалла халқ билан давлат ўртасида кўприк бўлиши керак, деди Шавкат Мирзиёев. Одамларнинг қувончу ташвишидан доимо хабардор бўлиш маҳалланинг асосий вазифасидир.

Мамлакатимизда, айниқса, пойтахтимизда транспорт воситалари кўпайиб бормоқда. Бу одамларимизнинг турмуш даражаси ошиб, юртимиз фаровонлиги йилдан-йилга юксалаётгани исботидир. Зеро, кенг қўламли ислохотлардан қўзланган асосий мақсад ҳам аҳоли турмуш даражасини ошириш, инсон манфаатларини тўла таъминлашдир.

Шавкат Мирзиёев Чилонзор туманидаги ички йўлларни таъмирлаш лойиҳаси билан танишди. Лойиҳага кўра 2017-2018 йилларда тумандаги барча ички йўллар тўлиқ таъмирланади. Йўлларнинг сифати ва замонавийлигига алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланди.

Катта бино ва иншоотлар, бозорга яқин ҳудудларда автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойлари етишмаслиги муайян нуқулалликлар туғдирмоқда. Президентимизга барпо этиладиган махсус автотураржойлар лойиҳаси ҳақида ахборот берилди. Унга кўра бинолар ёнида автобобиллар учун мўлжалланган уч ва тўрт қаватли автотураржойлар қурилиши режалаштирилган. Бу йўллардаги тирбандликларнинг олдини олиш, ҳайдовчилар ва пидедалар хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Давлатимиз раҳбари йўлларни яхшилаш билан бирга, автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларини ҳам замонавий талаблар даражасида бунёд этиш бўйича мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳри ва туман ҳокимлари, турли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, пойтахт жамоатчилиги вакиллари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг шакл ва сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар марказлари, Тошкент шаҳри, туман ва шаҳарларда Халқ қабулхоналари ташкил этилди. Бу барча даражадаги давлат органлари фаолиятида «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак», деган тамойилни амалда рўйбга чиқариш, аҳоли билан бевосита мулоқотни йўлга қўйиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда аҳоли мазкур муассасаларга ўзларини қийнаётган масалалар билан мурожаат қилаётди. Жойларда ўтказилаётган сайёр қабуллар фуқаролар ва тадбиркорларга ўзлари дуч келаётган муаммолар юзасидан тегишли соҳаларга масъул бўлган раҳбарларга бевосита мурожаат қилиш, уларга қисқа вақтда ечим топиш, жамиятимизда ижтимоий адолат тамойилларини қарор топтиришда муҳим омил бўлаётди.

Чилонзор туманидан Президентимизнинг Виртуал қабулхонасига 16 мингдан зиёд мурожаат келиб тушган бўлиб, уларнинг атиги 1,5 мингтаси ижобий ҳал қилинган.

«3-Чарх Камолон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Баҳодир Султонов, ушбу маҳалла профилактика инспектори Бобомурод Абдуллаев, «1-Чарх Камолон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Зубайда Тўйчиева, «Навбахор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Исмаилла Собиров, Гавҳар маҳалласидаги «Соғлом келахак» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси Рўхия Мухамедова, 181-умумтаълим мактаби директори Моҳидил Бегматова ва бошқалар Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан асос солинган мурожаатлар билан ишлаш бўйича янги тизим халқимизни ҳаётдан рози қилиш, уларнинг адолат ва давлатга бўлган ишончини оширишга хизмат қилаётганини, Халқ қабулхоналари 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган мақсадларга эришишда муҳим воситага айланиб бораётганини таъкидлади.

Учрашувда аҳолига зарур шароитлар яратиш, коммуникация тизимларини таъмирлаш, ҳудудларни ободонлаштириш, тадбиркорларни қийнаётган тўсиқларни олиб ташлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Президентимиз мазкур соҳалардаги камчиликларни бартараф этиш, истиқболда амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар юзасидан мутасадди раҳбарларга тегишли топшириқлар берди.

ЎзХДП маҳаллий Кенгашларида



Фотурх АЛИЕВ суратлар

ИНСОН МАНФААТЛАРИ ҲАММА НАРСАДАН УСТУН

Суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар ҳуқуқий ечимини кутаётган кўплаб долзарб масалаларни ҳал этиш, қонунлар ижросини изчил таъминлаш, энг муҳими, одамларнинг мамлакатимизда олиб борилаётган одилона сиёсатга ишончини янада оширади.

2

Қарор ва ижро

Сурхондарё вилояти Ахборот-ресурс марказида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлимлари ҳамкорлигида атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигига бағишланган хотира кечаси ўтказилди.

УЛУҒ ИНСОНГА ЭҲТИРОМ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 27 мартдаги «Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида ташкил этилган тадбирда шоир ва ёзувчилар, педагоглар, ўқувчи-ёшлар иштирок этди.

Тадбирда собиқ тузумнинг ўта қалтис ва мураккаб даврида республикамиз раҳбари бўлган, миллий маданиятимиз ва адабиётимиз равнақиға улкан ҳисса қўшган Шароф Рашидов ўзининг фидокорона меҳнати, ибратли ҳаёт йўли, ижтимоий-иқтисодий фаолияти билан халқимиз қалбидан чуқур ўрин олгани алоҳида таъкидланди.

Сурхондарёликлар ҳам Шароф Рашидовнинг вилоятни ривожлантириш йўлида амалга оширган бунёдкорлик ишлари, инсонпарварлик фазилатлари ҳақида фахр билан сўзлайди. Вилоятда янги каналлар барпо этиш, чўл ҳудудларини ўзлаштириш, аҳоли ва экин майдонларининг сув таъминотини яхшилашга муносиб ҳисса қўшганини алоҳида миннатдорлик билан эслади.

— Меҳр-оқибатли халқмиз, — дейди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими раҳбари М.Алламуродов.

Х.МАМАТРАЙИМОВ,
ЎзА мухбири.

Сўз — ЎзХДП етакчиларига

ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАЛАРИГА

ОДАМЛАР ИШОНЧИ ТОБОРА ОШИБ БОРМОҚДА

Нега оддий фуқаронинг оддий мурожаати ўз вақтида ҳал этилмай, сансалорчилик бўлиши керак? Идораларга айнан бирон-бир масъул шахс ёки юқори ташкилот вакили билан бирга бориш шартми? Масъул ходимлар ўз вазифаларини сидқидилдан адо этсалар, бундай оворагарчиликлар бўлмайди.

2

ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯЛАШ ДОЛЗАРБ МАСАЛА

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг туб моҳиятида ҳуқуқий демократик давлат қуриш, инсон манфаатларини ҳамма нарсадан устун қўйиш ғояси ётади. Бу борадаги энг муҳим талаблардан бири қонун устуворлигини таъминлашдир. Боиси, қонунга итоат қилинган жойда тартиб-қоида бўлади, жамият хавфсизлиги муҳофаза этилади, фуқароларнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари ҳимоя қилинади, одамлар тинч ва осуда ҳаёт кечирилади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, хусусан, ички ишлар тизими фаолияти бу жараёнда муҳим аҳамият касб этади. Бир сўз билан айтганда, аҳоли ўртасида тартиб-интизомни янада кучайтириш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, фуқаролар хавфсизлиги таъминлашиш кўп жиҳатдан ушбу соҳа фаолиятига боғлиқ. Ички ишлар органлари ходимлари билан аҳоли ўртасидаги муносабатларда ўзаро ишонч ва очиклиқни таъминлаш мақсадида профилактика инспекторлари, милиция таянч пунктлари, «Маҳалла посбони» каби институтлар ташкил этилгани юртимизда тинч-осуда ҳаёт таъминлашишга хизмат қилмоқда. Бироқ шунга қарамай тизимда қатор муаммолар тўпланиб қолгани кўпчиликка маълум.

Айниқса, адолат истаб сарсон-саргардон бўлиб юрганлар, жиноят-қидирув фаолиятидаги камчиликлар оз эмасди. Очиги,

соҳа ходимларини аҳоли кўпинча қаердадир жиноят содир этилганида ёки тергов-суриштирув пайтида кўради, жиноятчиликнинг олдини олиш бора-сидаги ишлар талаб даражасида эмасди.

Бугун дунёнинг турли ҳудудларида мудхиш воқеа-ҳодисалар, таҳдидлар юз бермоқда. Чегара билмас бу хавф-хатарлар бутун инсониятнинг, тараққиётнинг душмандир. Геоисёсий ўйинлар, диний экстремизм, терроризм, нарқобизнес, миллатлараро низолар инсониятга катта офатлар келтиришини ҳаммамиз кўриб, билиб турибмиз.

Бундай қалтис жараёнда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, хусусан, ички ишлар тизими фаолияти қайта кўриб чиқишини, ҳар бир ходим масъулиятини оширишни ҳаёт талаб қилмоқда.

Президентимизнинг «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан

ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони жамият ҳаётида муҳим аҳамиятга эгаллиг унинг номидан ҳам кўриниб турибди.

Унда Ички ишлар органлари тизимини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари белгилаб берилди. Хусусан, вояга етмаганлар ва ёшларни Ватанга муҳаббат, ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, ўсиб келаётган авлодни терроризм, диний экстремизм, зўравонлик ва шайқашлик гояларидан ҳимоя қилишга қаратилган тизимни ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Фармонга кўра, эндиликда туман, шаҳар ички ишлар бошқармалари, бўлимлари бошлиқларининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари лавозими жорий этилади. Улар вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича профилактика инспекторлари ишини самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштиришда жавобгар бўлади.

Маълумотларга кўра, 2016 йил давомида Тошкент шаҳри бўйича 300 га яқин жиноят, асосан, ўғрилик, безорилик вояга етмаганлар томонидан содир этилган. Вояга етмаганларнинг жиноят кўчасига кириб қолиш сабаблари аниқлаш ва профилактика ишларини талаб даражасига олиб чиқишда ушбу лавозимнинг жорий этилиши

катта аҳамиятга эга бўлади, деб ўйлайман.

Фармонда ички ишлар органлари фаолияти устидан парламент ва жамоатчилик назоратининг янги тизими ўрнатилмоқда. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва вилоятлар Кенгашилари ҳар чоракда тегишли ички ишлар органлари ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитади. Биз уларнинг ахборотини йиғилишда шунчаки эшитмасдан, аниқ

тизимдаги ислохотларни янги босқичга кўтаради. Унда белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш жамиятимизда қонун устуворлигига эришиш, ҳуқуқ-тартибот ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, инсон манфаатларини ҳимоя қилишда катта аҳамиятга эга. Фармонда билдирилган фикрлардан биз таълим соҳаси ходимлари, депутатлар ҳам тегишли хулоса чиқариб олишимиз, мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишта-

Президентимизнинг «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони жамият ҳаётида муҳим аҳамиятга эгаллиг унинг номидан ҳам кўриниб турибди.

фактларга асосланган саволларни ўртага ташлашимиз керак. Жиноятчилик, ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиб, уларнинг олдини олиш бўйича таклифлар ишлаб чиқишимиз талаб этилади. Аҳоли орасида диний экстремизмнинг салбий оқибатларини тушунтиришда ҳам ички ишлар ходимлари билан изчил ҳамкорлик қилишимиз керак бўлади.

Умуман олганда, мазкур Фармон ички ишлар органлари

лиқни янада мустаҳкамлаш, хавфсизлиқни таъминлашдек мураккаб ва шарафли вазифани бажаришда бор куч ва салоҳиятимизни сафарбар этишимиз лозим.

Жасур КУЛМУХАММЕДОВ,
Тошкент автомобиль ва йўллар касб-ҳунар коллежи директори,
халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси.

ЎзХДП маҳаллий Кенгашларида

ИНСОН МАНФААТЛАРИ ҲАММА НАРСАДАН УСТУН

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши ташаббуси билан Паркент туманида ўтказилган тадбирга партия фаоллари ва депутатлар билан бирга бордик. Йўл-йўлакай суҳбатимиз тадбир мавзусига уланиб кетди.

— Суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш борасида катта ишлар амалга оширилаётган ҳамма ҳам етарли тушуниб олгани йўқ, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шўхрат Турсунбоев. — Яқинда бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлисида ҳам тизимга алоқадор кўплаб қонунлар маъқулланди. Бу мамлакатимизда инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун, деган ғоя устувор эканини кўрсатиб турибди...

— Тўғри, айтдингиз, — дея сўз бошлади вилоят партия кенгаши раиси Мехрождин Дархонов. — Суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар ҳуқуқий ечимини кутаётган кўплаб долзарб масалаларни ҳал этиш, қонунлар ижросини изчил таъминлаш, энг муҳими, одамларнинг мамлакатимизда олиб борилаётган одил-она сиёсатга ишончини яна-

да оширади. Партияимиз Сайловолди дастурида давлат қурилиши ва суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотларга алоҳида эътибор қаратилганлигини инобатга олсак, ушбу вазифалар биз учун ҳам принципиал аҳамиятга эга.

Шундай фикр-мулоҳазалар тадбир давомида янада кенг қамров билан давом этди. Паркент туман партия кенгаши масъул ходимлари, маҳаллий Кенгашлар



депутатлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, ўқитувчилар ва ёшларга соҳадаги ислохотлар кенг тушунтирилди. Суд ҳокимиятининг нуфузини янада ошириш, чинакам мустақиллигини таъминлаш, аҳолига юридик хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, фуқаролар қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишига эришишга қаратилган ҳуқуқий базалар, уларнинг одамлар ҳаётига ижобий таъсири, судлар фаолиятига оид қонунлар, ҳукумат қарорлари хусусида батафсил маълумот берилди.

Кайд этилдики, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш масаласига ҳам алоҳида



эътибор қаратилган. Бу бежизга эмас, албатта. Чунки қонун устуворлиги қарор топган жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланади, ислохотлар самарадорлиги кафолатланади. Масалан, қонунчилигимизга суд ҳокимиятининг фаолиятини тубдан яхшилашга, нуфузини оширишга, судлар тузилишини такомиллаштиришга ҳамда судьяларни танлаш ва лавозимларга тайинлаш тизимини демократлаштиришга қаратилган бир қатор ўзгариш ҳамда қўшимчаларнинг киритилиши мамлакатда қонунийликни мустаҳкамлашнинг муҳим омилга айланди.

— Конституцияимизнинг қатор моддаларига киритилаётган ўзгариш ва қўшимчаларга мувофиқ, Олий ҳўжалар суди ва фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий суд иши юритуви

соҳасидаги суд ҳокимиятининг ягона олий органига — Ўзбекистон Республикаси Олий судига биравлаштирилмоқда, — деди Юқори Чирчиқ туман суди судьяси Феруза Жалолова. — Яна бир муҳим янгиланган суд-ҳуқуқ тизимида янги институт — Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши жорий этилмоқда. Ушбу кенгаш судьялар ҳамжамиятининг органи ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикаси суд ҳокимияти мустақиллиги ҳақидаги конституциявий принципга риоя этилишини таъминлашга кўмаклашиши белгилаб қўйилди. Бу судлар мустақиллигини янада мустаҳкамлайди ва одил судлов даражасини халқроқ талаблар билан уйғунлаштириб, демократик ҳуқуқий давлат қуриш ҳамда адолатли фуқаролик жамиятини барпо этишимизга беvosита

хизмат қилади, деб ўйлайман.

Партия маҳаллий кенгашлари ва депутатлик гуруҳлари аъзоларининг суд ҳокимияти ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорлигини янада кучайтириш қонунчиликка киритилаётган янгиланган билан аҳолини яқиндан таништириб бориш уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга эканлиги алоҳида таъкидланди. Бу борадаги ишларни янада яхшилаш бўйича таклиф ва мулоҳазалар ўртага ташланди.

Тадбир сўнггида ёшга доир пенсияга чиқишда учраётган муаммолар, никоҳ шартномаси ва унинг ҳуқуқий асосларига оид саволларга депутатлар, судьялар атрофида жавоб беришди.

Лазиза ШЕРОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Сўз — ЎЗХДП етакчиларига

ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАЛАРИГА

одамлар ишончи тобора ошиб бормоқда

Ҳар бир партия аҳолининг маълум қатламлари манфаатини ҳимоя қилади, шу мақсад йўлида ўз ғоя ва қарашларини илгари суради. Инсон манфаатларини таъминлаш учун, аввало, одамлар билан, халқ билан мулоқот қилиш, уларнинг дарду ташвишлари, орзу-ниятлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини яхши билиш керак, албатта.

Электрат вакиллари муаммоларини ўрганишда партияимиз тизимида фаолият юритаётган Жамоатчилик қабулхоналари имкониятларидан унумли фойдаланиш яхши самара бермоқда.

Мурожаатларда кўтарилаётган масалалар ЎзХДП гуруҳлари, ҳамкор ташкилотлар ва давлат идоралари ҳамкорлигида ҳал этилаётгани туфайли Жамоатчилик қабулхоналарига одамлар ишончи тобора ошиб бормоқда.

Йилнинг ўтган даврига назар соладиган бўлсак, Жамоатчилик қабулхоналаримизга 100 дан ортиқ мурожаат тушди. Уларнинг 90 фоизи ижобий ҳал этилди. Олдинги йилларда айрим масалалар жуда қийинчилик билан, жойларга қайта-қайта мурожаат қилиш, депутатлик сўрови институти орқали ҳам муддатидан ўтиб ечишга эришардик. Эндиликда мурожаатлар ечими ортдан идорама-идора чиқишга унчалик эҳтиёж сезилмаяпти.

Мурожаатларни таҳлил этганда, уларнинг кўпчилиги иш билан таъминлаш, моддий ёрдам олиш, шунингдек, кредит масалаларини ташкил этаётганини кўришимиз мумкин. Мурожаатлар таҳлили ҳудудда қайси йўналишларда муаммолар борлиги, нималарга кўпроқ эътибор қаратишимиз лозимлигини аққол кўрсатади. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партияимиз гуруҳлари доимий комиссия ва сессиялар муҳофазасига масала киритишда, аввало, Жамоатчилик қабулхоналарига тушаётган мурожаатлар таҳлилига эътибор қаратиши керак, назаримизда.

Мурожаатларга ечим топишда бизда шундай тажриба йўлга қўйилган: биринчи галда масалани депутатлар ва партия фаоллари иштирокida муҳофаза қиламиз. Уларнинг фикрларини ўрганган, энг маъқул ечимга тўхталамиз. Шундан сўнг мурожаат маълум бир депутатга ёки партия масъул ходимига юқлатилади. Бу билан иш якунланмайдиган, албатта. Масала ҳал этилмагунча қадар махсус ишчи гуруҳ назоратиде туради.

Шу ўринда қабулхонага бўлаётган мурожаатлардан мисоллар келтирсам. Наманган шаҳри, Чорсу маҳалласида истикомат қилувчи Соҳида Муҳиддинова Соҳиб бадий буюмлар фабрикасида ишлаб пенсияга чиққан. Пенсия жамғармасига топширган ҳужжатларидаги камчилик сабабли пенсия таъминоти тўхтатилган. Вилоят архивига тегишли ҳужжат учун бир неча мартаба мурожаат қилишга қарамай, маълумот ололмаётган экан. Соҳида Муҳиддинова билан вилоят архивига борганимизда бир соат ичида тегишли ҳужжатни унинг қўлига тўтқазишди. **Савол тўғрисида:** Нега оддий фуқаронинг оддий мурожаати ўз вақтида ҳал этилмай, сансалорчилик бўлиши керак? Идораларга айнан бирон-бир масъул шахс ёки юқори ташкилот вакили билан бирга бориш шартми? Масъул ходимлар ўз вазифаларини сидқидилдан адо этсалар, бундай оворагарчиликлар бўлмайди, назаримизда.

Ўз навбатида Жамоатчилик қабулхонамизга миннатдорчилик хатлари ҳам келиб туради. Чортоқлик Хуршида Раҳматуллаеванинг хатида шундай сўзлар бор:

«Мен олий ўқув юртига киролмай юрганамда ЎзХДП вилот кенгаши қошидаги Жамоатчилик қабулхонаси ҳақида эшитиб қолдим. Қабулхонада менинг қизиқиш ва имкониятларимни ўрганиб, оилавий қорхона очилиши масала беришди. «Ипотекабанк» Наманган шаҳар филиалидан имтиёзли кредит олишга эришдим. «Зар жилваси» оилавий қорхонамиз шу тарика ташкил топди. Бугунги кунда 7 иш ўрнига эга оилавий қорхонамиз томонидан кўрпа жилд ва чойшаб, дастурхонлар тайёрляпмиз. «Чортоқ» санаторийси билан шартнома тузганмиз. Бугун олий маълумотли муҳандис технологман. Ўзбекистон ХДП «Истикбол» ёшлар қаноти фаоллари сафидаман. Эришган натижаларим, албатта ЎзХДП ва унинг Жамоатчилик қабулхонаси туфайлидир. Бунинг учун партия вилот ва Чортоқ туман кенгаши фаолларидан миннатдорман».

Жорий йил Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилиниши муносабати билан қабулхона фаолиятини янада кучайтириш чора-тадбирлари қўйилди. Биринчидан, узок қишлоқларда кўча Жамоатчилик қабулхоналарини кўпроқ ўтказишга ҳаракат қилимиз. Мурожаатларни қайд этиш, ижросини назорат этиш механизмини кучайтириш, намунали қабулхоналар иш тажрибасини оммалаштириш, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш ишларини олиб бормиз. Ҳаётта янгича ёндашув бугунги кун талаби.

Дилором АБДУРАХИМОВА,
ЎзХДП Наманган вилот кенгаши раиси,
халқ депутатлари вилот Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари.

Мурожаатларда кўтарилаётган масалалар ЎзХДП гуруҳлари, ҳамкор ташкилотлар ва давлат идоралари ҳамкорлигида ҳал этилаётгани туфайли Жамоатчилик қабулхоналарига одамлар ишончи тобора ошиб бормоқда.

Қаҳрамонлик, бурч
ва фидойилик

Фаргона вилоятида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига «GM Uzbekistan» кўшма корхонасида ишлаб чиқарилган энгил автомашиналарни бир марталик навбатсиз сотиб олиш ва уларга бепул техник хизмат кўрсатиш учун имтиёзли сертификат тантанали равишда топширилмоқда.

ФАХРИЙЛАРНИ
ЭЪЗОЗЛАГАН
КАМ
БЎЛМАЙДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 4 апрелдаги «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги фармони ҳамда «Хотира ва қадрлаш кўнига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори кекса авлод вакилларига кўрсатилаётган юксак эътиборнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди. Бу йилги байрам «Қаҳрамонлик, бурч ва фидойилик» ҳамда «Аждодларни хотирлаш — муқаддас қадрият» широрли остида умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланаётганида чуқур маъно муҳассас.

Байрам арафасида Фаргона вилоятида давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳалла фаоллари, ёшлар Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат fronti фахрийларининг хонадонларида бўлиб, уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатмоқда, кўнгилларини кўтариб, уй юмушларига кўмаклашмоқда. Уй-жойларини таъмирлаш, ободонлаштириш, ўз уй-жойига эга бўлмаганларга турар жой ажратиш, навбатсиз ҳаж сафарига юбориш каби эзгу ишлардан фахрийларимизнинг кўнгли тоғдек кўтарилмоқда.

Фаргона шаҳар Ифтихор маҳалласида яшовчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Ашир ота Дадажонов хонадони бугун ҳар қачонгидан гавжум бўлди. Вилоят ҳокимлиги, «Нуроний» жамғармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлимлари, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ва бошқа жамоат ташкилотлари вакиллари отахонга Президентимиз қарорига асосан имтиёзли сертификат ва қимматбаҳо совғалар топширди.

«Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими раиси Т.Холдоров ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган юртдошларимиз хотирасини улуғлаш, жанглардан омон қайтган ва бугун орамизда бўлганлар, фронт ортида меҳнат қилганларга эҳтиром кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилганлигини таъкидлади. Бундай ғамхўрлик уларнинг умрига умр қўшмоқда.

94 ёшини қарши олган Ашир ота урушдан қайтган, темир йўлда, кейинчалик қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қилди. 6 фарзандини тарбиялаб, қамолга етказди. Бугун невараси, эвараси чеваралар ардоғида умргузаронлик қилмоқда.

— Бундай эътибордан жуда хурсандимиз, — дейди Ашир ота. — Президентимизга минг раҳмат. Байрам олдида совға-саломлар беришди. Илоҳим, бизга эҳтиром кўрсатган инсонларнинг ўзлари ҳам улуг ёшларга етиб, доимо эл-юрт ардоғида бўлсин, юртимиздаги тинчлик-осойишталикка кўз тегмасин.

Симтепа маҳалласида яшовчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Акбаржон ота Аскарлов ҳамда унинг оила аъзолари ҳам юксак эътибор учун Президентимиздан миннатдор бўлди. Бутун умр эл-юрт равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилган бундай нурунийлар барчамизнинг фخرимиз. Акбаржон отага ҳам сертификат ва совға-саломлар тантанали равишда топширилди.

Бундай тadbирлар вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида бўлиб ўтмоқда.

М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎЗА мухбири.

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ
МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИДА ЯНГИ
БОСҚИЧНИ БОШЛАБ БЕРДИ

«Ижтимоий фикр» жамоатчилиги фикрини ўрганиш марказининг навбатдаги сўровномаси Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси мазмун-моҳиятидан фуқароларнинг хабардорлик даражасига бағишланди.

Сўровномада иштирок этган аксарият фуқаролар Ҳаракатлар стратегияси халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада яхшилаш ва мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга кўтаришда муҳим ҳужжат, деб ҳисоблайди.

Ижтимоий тадқиқот жамият ҳаётининг барча соҳаларида юз бераётган туб ўзгаришлар аҳоли манфаатларига жавоб бераётганини, ислохотлар одамларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш билан бирга, тафаккурини ҳам ўзгартираётганини кўрсатган.


79,9 фоиз респондентлар Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони мазмун-моҳиятини яхши билишини таъкидлаган.

«Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини ўз вақтида қабул қилинган ҳужжат, деб ҳисоблайсизми?» деган саволга иштирокчиларнинг аксарияти (83,5 фоиз) ижобий жавоб берган.

«Сизни ўйлантираётган муаммолар Ҳаракатлар стратегиясининг қайси устувор йўналишларида ўз аксини топган?» деган саволга респондентларнинг кўпчилиги Стратегиядаги барча йўналишлар давлат ва жамият ҳаётида янги ривожланиш босқичини бошлаб беради, ўзларини қийнаётган муаммоларни самарали ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади, деб ҳисоблайди.

Давлат бошқаруви ва маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятининг самарадорлиги ва ошқоралиги бўйича респондентларнинг фикри ўрганилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2017 йилнинг Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилиниши мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизда халқ билан мулоқот қилиш, адолат ва ҳақиқат тамойилларини қарор топтиришда янги босқични бошлаб берди. Президентимизнинг «Инсонларнинг дарду ташвишларини ўйлаб яшаш — одабийликнинг энг олий мезонидир», деган ҳаётбахш сўзлари бугун Халқ қабулхоналарида



**HARAKATLAR STRATEGIYASI
2017-2021**

кираверишда катта ҳарфлар билан ёзиб қўйилган. Фуқаролар фикрича, давлатимиз раҳбарининг ушбу сўзлари ҳар бир юртдошимиз учун энг муҳим вазира бўлиши керак.

Фуқаролар ҳокимиятнинг ижроия органлари фаолиятидан турли даражада қониқиниши сўровнома натижаларида акс этган. Ҳар иккинчи респондент ҳокимият ижроия органлари ишидан мамнун, ҳар учинчиси — қисман рози, 12,1 фоизи — рози эмас.

Иштирокчилар ҳокимият ижроия органлари раҳбарлари фаолиятининг фуқароларга очиқлигини ҳам турлича баҳолаган. 40,7 фоиз респондентга кўра, барча маълумотлар очиқ ва тартиб. Қатнашчиларнинг 33,9 фоизи ҳамма фуқаролар учун ҳам маълумотлар

ошқора эмас, деб ҳисоблайди.

Сўровномада иштирок этганлар яхши маошли иш топиш, ойлик маошни вақтида олиш, тadbиркорлик фаолияти билан шуғулланишда қатор қулайликлар яратилганини, пенсионерлар, ногиронлар, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини ижтимоий ҳимоя қилиш, аҳолини электр энергияси ва табиий газ билан таъминлаш хизматлари юқори даражада кўтарилганини маълум қилган.

Фуқаролар 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва у асосида қабул қилинаётган давлат дастурлари олиб борилаётган барча ислохотлар сифатини янада оширишда, давлат ва жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳаларини модернизация қилиш ва либераллаштиришда, аҳоли турмуш фаровонлигини янада юксалтиришда асосий дастуриламал бўлишига, инсон манфаатларига хизмат қилишига ва уларни қийнаб келаётган муаммоларни бартараф этишда катта ёрдам беришига ишонмоқда.

**«Ижтимоий фикр» маркази
материаллари асосида
ЎЗА мухбири З.ЖОНИБЕКОВ
тайёрлади.**

Миллий матбуот марказида

КАРТОШКА ПОЙТАХТИМИЗ
БОЗОРЛАРИДАГИ МАХСУС САВДО
ШОХОБЧАЛАРИДА

1800 сўмдан, вилоятларда 2000 сўмдан сотилмоқда

Бу ҳақда «Ўзбекизоққовқатзахира» уюшмаси томонидан ўтказилган матбуот анжуманида таъкидланди.

Бугунги кунда уюшма таркибидagi 56 та савдо-тайёрлов корхонаси мамлакатимизда етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотларини харид қилиш, сақлаш ва аҳолини ушбу маҳсулотлар билан барқарор таъминлаш борасида бир қатор ишларни амалга ошириб келмоқда. Шунингдек, озиқ-овқат товарлари ва мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашга ихтисослаштирилган янги омборхоналарни қуриш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилиш, замонавий ускуналар билан жиҳозлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, уларга жами 5120 миллион сўм, шундан 2830 миллион сўми банк кредити, 2290 сўми эса корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилди.

Бундан ташқари, уюшманинг жорий йилга мўлжалланган Комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланган бўлиб, унда таркибдаги корхоналар томонидан мева-сабзавот маҳсулотларини қуриш ва қайта ишлаш цехларини ҳамда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш, қуриш ва саралаш логистика марказларини,

шу билан бирга, нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи цехлар ва савдо дўконларини қуриб ишга тушириш, 600 гектардан зиёд ер майдонларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш белгиланган. Ушбу тadbирларни амалга ошириш учун жами 30 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарф этилиши ҳамда Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкининг 7 миллион долларлик имтиёзли кредитлари жалб этилиши кўзда тутилган.

— Президентимизнинг 2017 йил 6 январдаги «Янги мева-сабзавот маҳсулотлари, картошка, полиз маҳсулотлари ва узум ҳамда қилиш ҳамда улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштиришга оид қўшма чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига биноан жорий йилда давлат буюртмаси асосида 432 минг тонна қишлоқ хўжалик маҳсулотларини захирага жамғариш белгиланган, — дейди «Ўзбекизоққовқатзахира» уюшмаси раиси ўринбосари Нодирбек Раҳбаров. — Шундан, картошка — 150 минг тонна, сабзавотлар — 137 минг тонна, мевалар — 105 минг

тонна, полиз маҳсулотлари — 40 минг тонна таъкид этилди. Қолаверса, қарорнинг ижросини таъминлаш мақсадида уюшмада кенг миқёсда чора-тадбирлар кўрилмоқда. Жорий йилдаги ҳосилдан захирага жамғариш учун фермер ва деҳқон хўжаликлари билан шартнома имзолаш тadbирлари бошланган. Шунингдек, уюшма тизимдаги корхоналар захира жамғариш билан бир қаторда экспорт шартномалари тузишда ҳам фаол иштирок этмоқда.

Уюшма томонидан хорижий бозорларнинг мамлакатимизда етиштирилаётган ноз-неъматларга бўлган талабини ўрганиш бўйича ўтказилган мониторинг натижаларига кўра, музлатилган мева ва резаворлар ҳамда полиз эканлигига талаб юқорилиги аниқланган. Масалан, Хитой ва Россияда шафтолига, Жанубий Кореяда тарвузга, Японияда қовунга эҳтиёж юқори. Жорий йилнинг ўтган даврида 2 миллион долларлик шартномалар имзоланган бўлиб, ҳозиргача Россия, Туркия, Озарбайжон, Қозоғистон, Хитой ва бошқа давлатларга 717 минг долларлик 345 тонна маҳсулот экспорт қилинган.


Уюшма томонидан картошка ва бошқа турдаги маҳсулотларни

тизимли равишда юртимизда етиштиришни янада такомиллаштириш, уларни сақлаш, бирламчи ишлов бериш, экспортга тайёрлаш ва транспортировка қилиш ишларини комплекс бажариш мақсадида логистика марказлари ташкил этилмоқда. Бу борадаги ишлар Фаргона ва Қашқадарё вилоятларида бошлаб юборилган.

Шунингдек, анжуманда аҳолини қиш-баҳор мавсумида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан барқарор нархларда кафолатли таъминлаш мақсадида жорий йилнинг март ҳолатида қарийб 15 минг тонна картошка четдан олиб келиниб, уюшма томонидан республикамиз ҳудудларидаги бозорларда махсус савдо шохобчалари ташкил этилиб, пойтахтимизда 1800 сўмдан, вилоятларда 2000 сўмдан истеъмолчиларга сотилиши белгиланиб, назоратга олингани тўғрисида ахборот берилди.

Бундан ташқари, шу кунларда Сурхондарё вилоятида баҳорги пйёзни йиғиб олиш тadbирлари бошлангани ва тез кунларда савдога чиқарилиши ҳақида ҳам маълумот берилди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҲАМКАСБИМИЗ
ХОТИРАСИ

Реймбой ЕШИМБЕТОВ нафақат Қорақалпоғистон Республикаси, балки бутун Ўзбекистонга таниқли журналист эди. Ўз касбига садоқатли, эл-юрт ҳурматида сазовор бўлган қалам соҳиби эди. Унинг Қорақалпоғистондаги бунёдкорликлар, қорақалпоқ ёшлари эришган ютуқлар ҳақидаги ғурури, Орол денгизи қисмати, Оролбўйи аҳолиси муаммолари ҳақидаги кўнчаллик билан ёзган мақолалари жамоатчиликнинг кўп бора эътирофига сазовор бўлган. Афсуски, кун кеча 87 ёшида у оламдан ўтди.

Ҳамкасбимиз Реймбой Ешимбетов 1962 йилдан шу кунгача газетамизнинг Қорақалпоғистон Республикасидаги ўз муҳбири бўлиб ишлади. У тахриратимизнинг Қорақалпоғистондаги таянч тоғи эди. Ҳар қандай топшириқни ўз вақтида бажарар ва «Менга яна қандай топшириқ бор?» деб сўрарди. Обуна мавсумида тиниб-тинчимасди. Ёши бир жойга бориб қолганига қарамай, туманма-туман юрарди, Қорақалпоғистонда унинг қадами етмаган ҳудуд қолмаган эди, десак асло муболага бўлмади.

Реймбой оға ҳақида қайси даврада гап кетмасин, ҳамма уни ҳалол, қамтар, меҳнаткаш, диёнатли инсон сифатида тилга оларди. Шогирдлари кўп эди, уни танимайдиган раҳбарни ҳам топиш қийин эди. Журналистиканинг оғир меҳнатини қилиб, қаттиқ нонини еб, бурчини ҳалол бажариб, одамлар билдирган миннатдорчиликлардан қувониб, қамтарона турмуш кечириб келди.

Унинг узок йиллик фидойи меҳнатлари давлатимиз томонидан «Шўхрат» медали билан тақдирланган. «Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвонига ва қатор-жамоат ташкилотларининг мукофотларига сазовор бўлган.

Киши қанча мол-дунё йиғмасин, вақтисоати келиб, у барибир тугайди, ундан из ҳам қолмайди. Умрини эл-юрт хизматида бағишлаган кишидан эса яхши ном, ўлмас ва ўчмас хотира қолади. Меҳнат фахрийси, фидойи журналист Реймбой Ешимбетовнинг хотираси биз ҳамкасблари, шогирдлари қалбиди абадий яшайди.

**«Ўзбекистон овози» ва
«Голос Узбекистана» газеталари
бирлашган тахриратия жамоаси.**

Навоий вилоятининг Учқудук туманида яшовчи Неъматулло Мўминов институтни тамомлагач, мажбурий тақсимога кўра, Россиянинг Новосибирск шаҳрига ишга юборилган эди. 1994 йилда Ўзбекистонга қайтди. Навоий кон-металлургия комбинатида меҳнат қила бошлади. Аммо замон ўзгарган, Ўзбекистон мустақилликка эришиб, фуқаролик паспортлари янгиланган эди.

«МЕН
ЎЗБЕКИСТОН
ФУҚАРОСИМАН!»

Бугун Шимолий кон бошқармасида фаолият кўрсатаётган Неъматулло Мўминов яқинда Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилиниб, унга фуқаролик паспорти тантанали равишда топширилди. Қувонарлиси, унинг икки фарзанди Нўмонжон ва Мафтунахонга ҳам Ўзбекистон Республикаси паспорти берилди.

— Бугунги хурсандчилигимни ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди, — дейди **Неъматулло Мўминов**. — Ниҳоят, орзуларим ушалди. Президентимизга Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш бўйича қилган мурожаатим қаноатлантирилди. Мен Ўзбекистон фуқаросиман! Тўғриси, шу пайтгача ҳам юртимизда ҳеч қимдан кам эмасдим. Аммо юрагимда қандайдир кемтиклик бор эди. Шукр, армоним ушалди. Энди мен ва фарзандларим янада ғайрат билан меҳнат қилиб, юртимиз ривожига ҳисса қўшамиз.

Бугун унинг қувончига нафақат оила аъзолари балки, ҳамкасблари ҳам шерик.

Илҳом САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Давлат бошқаруви ва маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятининг самарадорлиги ва ошқоралиги бўйича респондентларнинг фикри ўрганилди.

ТҮЙ МЕЪЁРИДА БЎЛГАНИ МАЪҚУЛ

Меҳмондўст, орзу-хавасли халқмиз.

Бир-биримизга «Бошингиз тўйдан чиқмасин», «Топганингиз тўйларга буюрсин», — дея тиллақлар билдирамыз.

Узоқ йиллик қадрдон опам бор. Касби ўқитувчи, умри мактабда ўтган. Ўтган йили нафақа ёшига етиб дам олишга чиқди. Бир кун ҳол-аҳвол сўрай, деб кўнгириқ қилсам, пенсия дафтарчасида жамғарилган пулига ўғлининг тўйига атаб новвос сотиб олганини айтди. Унинг кўтаринки кайфиятидан мен ҳам суюндим.

Бир қанча вақт ўтиб опанинг ҳасталанганини эшитиб, кўргани бордим. Гап орасида боқилаётган новвосни ҳам сўрадим. Опа саволимга хотиржам оҳангда:

— Ҳа, уни сотиб пулига тўйнинг ароғини олиб қўйдик, — деди.

Опанинг касалдан толиққан юз-кўзларига қараб ҳайрон қолдим. Чунки айни дамда унга алоҳида парвариш, дори-дармонлар кераклигини, бироқ молдий аҳволи бирмунча танглигини сезиб турардим.

Уйга кетяпман-у, йўл-йўлакка ўзимча ўйлаб борапман. Ҳей биродарлар, қаёққа қараб кетяпмиз? Рўзгордан иқтисод қилиб, пешона теридан тома-тома йиғилган маблағни ўз соғлиғи учун ишлатмай, икки соатда ўтадиган



тўйнинг ароғига совириш шартми? Қачонгача умримизни тўй-томоша, куда-анда кутиш, гап-гаштакларга совирамиз, халқимиз бундай базми жамшидлар қилгандан кўра, шу маблағини фарзандларини маърифатли қилишга, соғлиғини тиклашга, саёҳатларга чиқиб, дунёни кўришга сарфласа бўлмайди?

Эзгу ниятлар билан ўғил-қиз ўстирамиз, оппоқ орзулар билан келин туширамиз ёки қиз узатамиз. Афсус, баъзан дабдала тўй таассуротлари совимасдан туриб, арзимас сабаблар билан икки томонга совуқчилик тушади. Қадимий одатларимизда ҳам ота-оналар ўғил-қизларига тўй қилишда ҳаддан ошмасликларни уқтирилади. Тўй қилишдан мақсад ёшларнинг никоҳини халққа билдириб, улар келажакда бахтли-саодатли

турмуш қуришлари учун эл олди-га дастурхон ёзиш ва одамларнинг дуосини олишдан иборат.

Бир эс-хушимизни йиғиб, мушоҳада қилиб кўрайлик. Бизда келин-куёвларнинг мустақил ҳаётга қадам қўйишлари қандай бошланаяпти? Дилбандларимизнинг бахт-саодати кафолати учун қандай эзгу ишларни амалга ошираяпмиз? Ном чиқариш учунми, кимдандир ўтиш учунми, 600-700 кишилик дабдала зиёфатга сарфлаган миллион-миллионлар ҳавога учиб кетмаяптими?

Ўзимча ўйлаб қоламан. Фарзанди бахтли бўлишини истаган ота-она бир кечалик базми жамшидга кетадиган маблағнинг ярмини бошқа хайрли ишларга сарфласа бўлмайди? Тўйга 600 эмас, 200 нафар меҳмон таклиф қилинса, харажат икки баробар камаяди.

Ўғил-қизимиз бахтини сўраб ёзадиган дастурхонимизга кетадиган сарф-харажатнинг бир қисми зиёфат кўринишида эмас, балки муҳтож оилаларга, Меҳрибонлик уйлари, ободонлаштириш ишларига, ёшларга илм-маърифат тарқатиш йўлларида сарф қилинса бўлмайди?

Тўйдан иқтисод қилинган 10 миллион сўм 50 нафар бошланғич синф ўқувчисининг бир йил давомида 1000 сўмлик нонушасига етишини ҳисоблаб чиқдим. Қаранг, бу савоб иш 50 нафар ўқувчининг саломатлигига ижобий таъсир кўрсатиб, дарсларни яхши ўзлаштиришига ёрдам беради. Бу хайрли ишларимиз билан мустақил ҳаётга қадам қўётган ёшларимизга ҳам ўрнат бўламан.

Риё мақсадида қилинган тўй-томоша мақбул эмас. Мол-

дунёсини хайрли ишларга сарф этишга жазм қилган инсонгина хайр-барақа топади, элнинг дуосини олади. Инсон дунёнинг майда неъматлари ҳисобланган яхши еб-ичиш, чиройли кийиниб юриш, ўйин-кулги ва тўй-томошалар қилишга ҳаққи бор, йўқ эмас. Лекин ҳамма нарсаси ўз меъёрида бўлгани маъқул. Одам маърифат ва маънавият туфайли буюк неъмат ҳисобланган қомилликка эришади.

Ўқорида бутун бошли ҳўкизнинг пулига тўйга ароқ олган опамизнинг яхши еб-ичиш, чиройли кийиниб юриш, ўйин-кулги ва тўй-томошаларга мойиллиги бор, деёлмайман. У меҳнатдан бошқани кўрмаган, умрида яхшироқ бир либос киймаган, бирон марта сиҳаттоҳда даволанмаган. Умри уй билан мактаб орасида ўтган, ҳамкасбларининг яхши-ёмон кунларида бош-қош бўлган, ёшларга инсоф-диёнатдан дарс берган.

Унда гап нимада? Ҳамма гап ўзбекнинг ноўрин андишасида! Ҳа, билиб туриб элдан қолмай, деб боримизни кўкка совирамиз. Бу дабдалалардан менга, фарзандларимга нима фойда, демасдан, эл нима дейди, деган андиша билан ўзимизни ўтга-чўққа урамиз. Хўш, элнинг ўзи ким? Эл бу — мен, сиз ва атрофимиздаги одамлар эмасми?

Сиз бунга нима дейсиз, азиз замондош?

Салима ХОЛДОРОВА,
Навоий кон-металлургия комбинати
Матбуот маркази мутахассиси.

Футбол



AFC
CHAMPIONS
LEAGUE

«БУНЁДКОР»ДА
ТҮРТИНЧИ
МАҒЛУБИЯТ,
«ЛОКОМОТИВ»-
ДА ДУРАНГ

Осиё чемпионлар лигасининг гуруҳ босқичи 4-тур учрашувлари бўлиб ўтди.

Мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилаётган «Бунёдкор» Эроннинг Исфохон шаҳрида «Зоб Охан» меҳмони бўлди. Учрашувнинг 5-дақиқасида Воҳид Муҳаммадзода дарвозани ишғол қилди — 1:0. Иккинчи бўлим бошида Муртазо Табризи ҳисобни 2:0 кўринишига олиб келди. 73-дақиқада жарима майдонига узатилган тўпни Шаҳзодбек Нурматов рақиб дарвозасига йўллаб ҳисобни қисқартирди — 2:1. Мазкур ҳисоб ўйин якунига қадар ўзгармади.

Осиё чемпионлар лигасида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилаётган яна бир клубимиз — «Локомотив» Тошкентда Эроннинг «Истиклол» клубини қабул қилди.

Учрашувнинг 13-дақиқасида Жалолиддин Машариповнинг тўп узатишидан сўнг Марат Бикмаев ҳисобни очди — 1:0.

Ўйин тугашига 3 дақиқа қолганида ҳамюртларимизнинг ҳимояда йўл қўйган хатосидан сўнг Каев Ризои ҳисобни тенглаштирди — 1:1. Вакилларимиз ҳар қанча ҳаракат қилишмасин, ҳисоб ўзгармади. Шу тарика «Локомотив»нинг гуруҳдан чиқиш имконияти пасайиб кетди.

ЎЙИНДАН КЕЙИНГИ
ФИҚРЛАР

Сергей ЛУШЧАН,
«Бунёдкор» бош мураббийи:

— Мазкур ўйинда таркибимиздаги бошқа йигитларга ҳам имкон бердик. Улар ёмон таассурот қолдирмади. Қардадир яхши, қаердадир кутилгандек ўйнай олмади. Стандарт вазиятда гол ўтказиб юбордик, назоратни йўқотиб қўйдик. Рақиб эса бунинг учун жазолади. Кейинги босқичга чиқиш учун имкониятларимиз қолмаган бўлсада, спорт тамойилларига тўла риоя қилган ҳолда навбатдаги баҳсларда ҳам галаба учун ўйнаймиз.

Андрей МИКЛЯЕВ,
«Локомотив» клуби бош мураббийи:

— Галабага яқин эдик. Афсуски, охириги 3 дақиқада уни қўлдан чиқардик. Иккинчи таймда биринчи таймдагидек ўйнамадик. Баъзи вазиятларда иккинчи голни уришимиз мумкин эди. Аммо ҳисобни сақлаб қолишга асосий эътиборни қаратишимиз бизга панд берди.

Шаҳбоз САИДОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

БУГУН	Об-ҳаво маълумоти	(°C)
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	+20/+10	
Бухоро ва Навоий вилоятлари	+20/+7	
Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари	+18/+5	
Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари	+25/+7	
Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари	+18/+3	
Тошкент шаҳри	+17/+5	

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши партия фахрийси Насимқул КАРИМОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Матбуот анжумани

ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРКМАН КИНОСИ КУНЛАРИ

Пойтахтимизнинг Алишер Навоий номидаги кинотеатрда 11-13 апрель кунлари бўлиб ўтадиган Туркман кинеси кунлари муносабати билан Республика Киночилар уйида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ташкил этилди.

Мазкур тадбир Ўзбекистон ва Туркменистон ҳукуматлари ўртасида 2014-2016 йилларга мўлжалланган маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик дастурига асосан Туркменистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси, «Туркманфильм» бирлашмаси ҳамда «Ўзбекино» миллий агентлиги ҳамкорлигида ўтказилмоқда.

Анжумани кириш сўзи билан очган «Ўзбекино» миллий агентлиги бош директори Отабек Мусаев икки қардош халқнинг дўст-биродарлиги, Ўзбекистон ва Туркменистоннинг маданий-маърифий, ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ўзаро ҳамкорлиги, кино соҳасидаги алоқалари мустаҳкамланиб бораётганлиги ҳақида гапириб, йиғилганларни туркменистонлик киноижодкорлардан иборат делегация билан таништирди.

Туркменистон телевидениеси бош режиссёри Вела Ишангулиев делегациянинг Хоразм вилояти, Шовот туманидаги чегара постанга катта тантана билан кутиб олинганини миннатдорлик билан эслаб, дини, тили, урф-одати, қадриятлари бир бўлган икки қардош халқнинг маданий-маърифий алоқалари, миллатлараро дўстлиги ҳар томонлама кенгайиб бораётганини таъкидлади.

— Киностудияларнинг моддий-техник базаси такомиллаштириш, киноижодкорлар учун зарур шарт-шароитлар яратилиши юқори сифатли фильмларни тасвирга олиш имконини бермоқда, — деди Вела Ишангулиев. — Ўзбек киномуҳлисари эътиборига туркман халқининг маданий мероси, қадимий анъаналари ва урф-одатлари акс этган «Ат-миллат», «Махтумқули», «Қопетда» — аскарнинг орзуси, «Сайис», «Муҳаббат мероси», «Қумли келин қўшиқлари» деб номланган бадиий фильмлар ҳавола этилади.

Тадбирда иштирок этган Туркменистон Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси атташеси Хандурди Тўраев мамлакатда кино санъати, спорт билан шугулланиш, хорижий тилларни ўрганиш ёшлар тарбиясида алоҳида аҳамиятга эгалиги, шунинг учун бу соҳаларга мамлакат даражасида эътибор берилётганини алоҳида қайд этди.

Туркман кинеси кунлари мобайнида «Ўзбекино» миллий агентлиги фаолияти билан танишув, икки мамлакат кинематографчилари иштирокида ижодий учрашув, фильмлар муҳокамалари каби қатор тадбирлар ўтказилади.

Анжуман якунида оммавий ахборот вакиллари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Нуруллоҳ ДОСТОН,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

ЭЪЛОН

O'zbekiston havo yo'llari



ГУП «TOSHKENT
XALQARO AEROPORTI»

объявляет результаты
тендерных торгов по закупке оборудования:

1. Рентгенотелевизионной системы безопасности для досмотра ручной клади и багажа (интроскоп) в количестве 3 ед. для нужд а/п «Ташкент».

2. Досмотрового оборудования

для нужд а/п «Ташкент».

По результатам тендерной комиссии определена победителем компания — «Gate Technologies LTD» (Великобритания).

Услуги лицензированы.

Реклама

ЗАВОД «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА» ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:



- ▶ Автокраны — 16, 25, 32, 50 т.
- ▶ Краноманипуляторы — 3, 5, 10 т.
- ▶ Ямобуры.
- ▶ Автовышки — 11, 18, 22, 28, 31м.
- ▶ Самосвалы — 3т, 4.5т, 9т.

ГАРАНТИЯ
1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент.
Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61.
Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.
E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

МУАССИС:

Бosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV	Muslihiddin MUHIDDINOV	Farrux HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Ochilboy RAMATOV	Tat'yana KISTANOVA
Rustam KAMILOV	Saidahmad RAHIMOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)
Saidkamol XODJAYEV		

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.


Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxonada manzillik Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruqsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 438
14775
naxsada
bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 01:23
Topshirilgan vaqti — 02:23
Setuvda kelishilgan narsda

Navbatchi:
Temur XUDOYBERDIEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV



1 2 4 5 6